



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 11 | pp. 39-44 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ХАВФЛАРИНИ БОШҚАРИШ



Рашидов Жамшид Хамидович
и.ф.н., “INTERNATIONAL SCHOOL OF
FINANCE TECHNOLOGY AND SCIENCE”
институти “Менежмент” кафедраси доценти

Аннотация: Мақолада замонавий шароитда инновацион фаолият хавфларини бошқариш жараёнининг босқичлари, асосий вазифалари, хавфларни баҳолашда қўлланиладиган асосий усуллар ёритилган. Шунингдек, хавф зоналари ўрганилиб, корхона тўқнашиши мумкин бўлган хавфларнинг даражалари аниқланган ва инновацион фаолият хавфларини камайтириш бўйича тавсиялар берилган.

Калитли сўзлар: инновацион фаолият, инновацион жараён, инновацион лойиҳалар хавфлари, инновацион фаолият хавфлари, хавфларни баҳолаш, хавф зоналари, хавф даражалари.

Abstract: the article discusses the stages of the risk management process of innovation in modern conditions, the main tasks, the main methods used in risk assessment. Risk zones were also studied, the levels of risk that an enterprise may face were determined, and recommendations were made to reduce the risks associated with innovation activities.

Keywords: innovation activity, innovation process, risks of an innovative project, risks of innovative activity, risk assessment, risk zones, risk levels.

Аннотация: в статье рассматриваются этапы процесса управления рисками инновационной деятельности в современных условиях, основные задачи, основные методы, используемые при оценке рисков. Также были изучены зоны риска, определены уровни риска, с которыми может столкнуться предприятие, и даны рекомендации по снижению рисков, связанных с инновационной деятельностью.

Ключевые слова: инновационная деятельность, инновационный процесс, риски инновационного проекта, риски инновационной деятельности, оценка рисков, зоны риска, уровни риска.

КИРИШ (INTRODUCTION)

Замонавий шароитда корхона томонидан муайян фаолиятни амалга ошириш, бозорда ўз ўрнига эга бўлиш учун юқори даражадаги рақобатбардошликка эга бўлиши керак. Бугунги кунда бизнеснинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий воситаси инновацион фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишдир. Корхона техник, ташкилий – бошқарув ва бошқа соҳаларда яратиладиган

инновациялари ҳисобига ўзининг рақобатчилик устунлигини белгилайди ва сақлаб туради.

Мамлакатнинг ривожланиш тенденциялари ва ташқи муҳит ҳолати ўзгариш динамикасининг ноаниқлиги туфайли тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти давомида кўпинча турли хавфлар билан боғлиқ вазиятлар юзага келади.

Маълумки, хавф ҳар қандай иқтисодий қарорни бажариш натижаларининг муҳим элементидан бири ҳисобланади. Инновацион фаолият ҳар доим муайян хавфлар таъсирида амалга оширилиб, бу бир қатор омилларнинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда, уларнинг фаолият натижаларига таъсирини олдиндан аниқ белгилаш мумкин эмас.

Инновацион фаолиятни амалга оширишда товарларга талаб ва таклифнинг ўзгарувчанлиги натижасида келиб чиқадиган иқтисодий муҳитнинг ноаниқлиги, айланма маблағлар танқислиги, ишлаб чиқариш омиллари, инвестициялар киритиладиган соҳаларининг ўзгарувчанлиги, хўжалик юритувчи субъектларда бизнес ва тижорат соҳасидаги билимларининг етарли эмаслиги ва бошқа кўплаб омиллар билан боғлиқ хавфлар вужудга келади. Шу боис ҳам инновацион фаолиятнинг натижадорлиги қанчалик хавфларнинг аниқ баҳоланганлиги, қанчалик унга мос равишда уни бошқаришнинг усуллари аниқланганлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Инновацион фаолият хавфи даражаси шундан далолат берадики, ўртача ҳар ўнта фирмадан фақат бир ёки иккитасигина муваффақият қозонишга эришиши мумкин. Бироқ, юқори хавф одатда юқори компенсация билан бирга келади. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишдан олинган фойда даражаси тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятининг одатдаги бошқа турларини амалга оширишдан олинган фойдадан анча юқори бўлиши мумкин. Бу эса тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш, амалга ошириш ва ривожланишига имкон беради.

Кўп ҳолларда корхоналарда инновацион фаолият хавфи жараённинг номутаносиб амалга оширилиши ва янгиликларни жорий этиш натижаси сифатида аниқланади. Бу ўз навбатида тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион фаолият хавфларини бошқариш заруратини биринчи ўринга чиқаради.

УСУЛЛАР (METHODS)

Мақолани тайёрлашда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, кузатиш монографик баён усули, иқтисодий-статистик таҳлил, статистик маълумотларни таққослаш, гуруҳлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР (RESULTS)

Инновацион хавф объекти бўлиб биринчи навбатда, илмий-техник, инновацион жараёнлар, шунингдек илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш жараёнлари ҳисобланади. Ҳар қандай инновацион хавф доим аниқ бир объект билан боғлиқ. Инновацион хавфларни келтириб чиқарадиган барча ҳодисалар, воқеалар ва шароитлар мавҳум деб қаралмаслиги керак, улар ҳар доим инвестиция жараёни билан ўзаро боғлиқдир[2].

Инновацион фаолият хавфларини бошқариш - инновацион фаолият натижаларининг ноаниқлигини камайтиришга хизмат қиладиган, корхоналар учун

инновацияларни амалга оширишнинг фойдалилигини оширадиган ва инновацион мақсадга эришиш харажатларини камайтирадиган амалий чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир.

Инновацион фаолият хавфларини бошқариш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади[3]:

1. Инновацион фаолият хавфларини аниқлаш ва таснифлаш.

2. Инновацион фаолият хавфларини таҳлил қилиш ва миқдорий баҳолаш.

3. Инновацион фаолият хавфларини бошқариш усуллари ва стратегиясини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш.

4. Инновацион жараёндаги хавфларни камайтириш бўйича ҳаракатларни мониторинг қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва хавфларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Инновацион фаолият хатарларини бошқаришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- инновацион жараённинг самарадорлиги ва унинг динамикасига салбий таъсир этувчи омилларнинг вужудга келишини прогноз қилиш;

- омилларнинг инновацияларга ва уларни амалга ошириш натижаларига салбий таъсирини баҳолаш;

- инновацион лойиҳалар хавфини камайтиришнинг энг мақбул усулларини ишлаб чиқиш;

- инновацион фаолият хавфларини самарали бошқаришнинг аниқ тизимини яратиш.

Инновацион фаолият хавфлари кўп жиҳатдан инновацион лойиҳаларнинг хатарлари билан боғлиқдир.

Инновацион лойиҳаларнинг хатарларига қуйидагилар киради:

Илмий-техник хавфлар. Буларга:

• тадқиқотларнинг салбий натижалари;

• тажриба-конструкторлик ишлари параметрларининг режалаштирилган параметрлардан оғишлари;

• ишлаб чиқаришнинг техник даражаси билан инновацияларнинг техник даражаси ўртасидаги тафовут;

• ходимларнинг лойиҳанинг касбий талабларига мос келмаслиги;

• лойиҳалаштириш босқичларини амалга ошириш вақтидаги оғишлар;

• кутилмаган илмий-техник муаммоларнинг вужудга келиши.

Инновацион лойиҳанинг ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ хавфи:

- патентни ҳимоя қилишнинг ҳудудий бозорларини нотўғри танланиши;

- етарлича мустаҳкам патент ҳимоясига эга эмаслиги;

- патент ҳимоясини олмаслик ёки тегишли ташкилот томонидан бериш вақтининг кечиктирилиши;

- патентни ҳимоя қилиш муддатларида чекловлар;

- фаолиятнинг айрим турлари учун муддати кечиктирилган лицензияларнинг йўқлиги;

- айрим техник ечимларнинг тарқалиб кетиши;

- патент билан ҳимояланган рақобатчиларнинг пайдо бўлиши.

Тижорат таклифи билан боғлиқ хатарлар:

- компаниянинг бозор стратегиясининг мавжуд вазиятга нисбатан номувофиқлиги;
- зарур ресурслар ва бутловчи қисмларни етказиб берувчиларнинг танқислиги;
- таъминотчилар томонидан етказиб бериш муддати ва сифати бўйича мажбуриятларни бажармаслиги.

Хавфларини бошқаришда қўлланиладиган усуллар кутиладиган хатарларни хавфсиз даражада пасайтириш орқали корхоналар кўриши мумкин бўлган иқтисодий зарарларни олдини олишга хизмат қилади.

Хавфларни баҳолашда қуйидаги асосий усуллар қўлланилади[1]:

1. Хавфни сифатий баҳолаш.
2. Хавфни миқдорий баҳолаш.

Хавфни сифатий баҳолаш лойиҳага хос бўлган, бўлиши мумкин хавф турларини аниқлашга имкон беради, шунингдек ушбу турдаги таваккалчилик даражасига таъсир қилувчи омилларни ва сабабларни аниқлайди ҳамда тавсифлайди. Бундан ташқари, аниқланган хавфларни тахминий амалга оширилишининг барча мумкин бўлган оқибатларини тавсифлаш, харажатлар сметасини бериш ва ушбу чораларнинг харажатлар сметасини ҳисоблаб, оқибатларни минималлаштириш ёки қоплаш чораларини таклиф қилади. Шунингдек:

- хавф манбалари ва сабабларини аниқлаш, уларни амалга ошириш давомида хавф мавжуд бўлган босқичлар ва ишлар, яъни потенциал хавф зоналарини аниқлаш;
- вужудга келиши мумкин бўлган барча хавфларни аниқлаш;
- таваккалчиликка асосланган ечимни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган амалий фойда ва салбий оқибатларни аниқлаш.

Хавфни миқдорий баҳолашда ноҳуш ҳодисалар эҳтимоли ва юзага келиши мумкин бўлган зарар миқдори, маълум бир вазиятда мақбул бўлган хавф даражаси ҳам аниқланади. Хавфни миқдорий баҳолаш олинган натижанинг талаб қилинган (белгиланган, режалаштирилган, прогноз қилинган) қийматидан кам бўлиш эҳтимоли орқали аниқланади.

Хавф иқтисодий категория сифатида ҳодисаларнинг ноқулай ривожланиш эҳтимолини баҳолашни ва ушбу ноқулайликнинг ўлчовини бирлаштиради. Шунинг учун хавфни тавсифлаш учун қуйидаги икки ўлчовли кўрсаткичдан фойдаланилади:

1. Хавф даражаси.
2. Хавф қиймати (нархи).

Хавф даражаси ноқулай ва динамик инновацион жараён ҳамда инновацион фаолиятнинг салбий натижалари эҳтимолини миқдорий жиҳатдан тавсифлаб беради.

Хавф қиймати (нархи) кўрсаткичи инновацияларнинг эҳтимолий натижаларини баҳолашни акс эттиради, яъни инвестор ёки инноватор таваккал қилган иқтисодий натижани кўрсатади.

Хавф қиймати(нархи)-бу ноаниқликнинг ташкилотга молиявий таъсирини ўлчайдиган тушунча. Бунга бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар каби ноҳуш

ходисалардан кутиладиган йўқотишлар, шунингдек суғурта мукофотлари, хавфсизлик чоралари ёки хавфни камайтириш стратегиялари каби хавфларни бошқариш харажатлари киради. Хавфнинг қиймати ташкилотнинг рентабеллиги, рақобатбардошлиги ва барқарорлигига таъсир қилади. Хавф қийматини тушуниш ва миқдорини аниқлаш орқали ташкилот ресурсларни қандай тақсимлаш, ҳаракатларга устувор аҳамият бериш ва иш фаолиятини оптималлаштириш тўғрисида мақбул қарорлар қабул қилиши мумкин.

Хавф ўлчови бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида амалга ошириладиган хавф чорасини иқтисодий баҳолаш ҳар қандай ишлаб чиқариш, иқтисодий ёки молиявий фаолият натижасида ёки ташқи муҳит ҳолатининг ноқулай ўзгариши натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни кўрсатади.

Хавф зоналарини ўрганиш, корхона тўқнашиши мумкин бўлган хавфларнинг даражасини аниқлаш, хавфларнинг фаолиятига таъсирини билишга имкон беради.

Хавф зоналари-бу унинг пайдо бўлиш эҳтимолига қараб хавф даражасининг сифат кўрсаткичлари дир. Хавф зоналарини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Қабул қилинадиган хавф зонаси: хавфли вазиятнинг пайдо бўлиши компаниянинг молиявий ҳолатининг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келмайди.

2. Ўртача хавф зонаси: хавфли ҳодиса юзага келганда келтирган зарарлар фаолиятнинг бошқа соҳаларидан олинган фойда билан қопланади.

3. Юқори хавфли зона: хавфли вазият юзага келиши натижасида компаниянинг молиявий аҳволи ёмонлашади.

4. Қабул қилиб бўлмайдиган хавф зонаси: хавфли ҳодиса корхонанинг тўловга лаёқатсизлиги ёки банкрот ҳолатига олиб келади.

Инновацион фаолият хавфларини камайтиришда турли усуллардан фойдаланилади. Инновацион фаолият хавфларини камайтиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Тақсимлаш усули.
2. Диверсификация усули.
3. Суғурта усули.

Хавфларни тақсимлаш одатда лойиҳа иштирокчилари ўртасида хатарларни энг яхши ҳисоблаб чиқадиган, назорат қила оладиган ва молиявий жиҳатдан энг барқарор, хавфларнинг оқибатларини енгишга қодир бўлган иштирокчини хавф учун жавобгар қилиш орқали амалга оширилади.

Диверсификация усули барча фаолият натижаларидан манфаатдор бўлган бошқа иштирокчиларни жамлаш орқали умумий хавфни тақсимлашни ўзида акс эттиради. Инновацион корхона хом ашё ва материалларни сотиб олишни, савдо бозорларини диверсификация қилиши мумкин. Савдо бозорини диверсификация қилиш бозорнинг турли сегментларини қамраб олишни англатади, улардан бирида талаб камайган тақдирда, корхонанинг умумий даромадига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Бунда умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан ҳар бир буюртмачи(сегмент)га имкон қадар тенг миқдорда тақсимлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир, шунда уларнинг бир нечтаси маҳсулотни рад этганда ёки

харид қилмаганда, корхонанинг ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига салбий таъсир қилмаслиги керак.

Суғурта иқтисодий муносабатлар тизими сифатида турли хил йўқотишлар, салбий ҳодисалар (суғурта ҳодисалари) натижасида етказилган зарар учун суғурта компенсациясини тўлаш орқали бартараф этиш учун махсус фондни (суғурта фонди) шакллантириш ва ундан фойдаланиш (тарқатиш ва қайта тақсимлаш) киради. Корхона инновацион фаолият хавфларини суғурталаш асосида инновацион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ турли йўқотишларни ва ноаниқликларни камайтиради. Корхона келажакда унга номаълум бўлган йўқотишларни қоплаш харажатларини суғурта мукофотини тўлаш бўйича маълум харажатлар билан алмаштиради. Натижада ноаниқлик бир вақтнинг ўзида камаяди, бу суғурта мукофоти миқдорида акс этади.

Х У Л О С А (DISCUSSION)

Инновацион хавф-бу инновацион ишланмалар ёки илмий-техник лойиҳа, шу жумладан инновацияларни яратиш, уларни тажриба намунаси ёки технология кўринишига етказиш, яратилган ишланмаларни синовдан ўтказиш, уни ишлаб чиқариш ёки жорий қилиш учун йўналтириш, серияли ишлаб чиқариш, шунингдек бозорда қутилган талабни топа олмаслиги мумкин бўлган инновацион маҳсулотларни сотиш каби инновацион жараённинг барча босқичларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган потенциал мумкин ёки амалга ошмаслиги эҳтимоли бўлган хавф.

Шундай қилиб, инновацион фаолият хавфларининг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама билишгина инновацион фаолият иштирокчиларига энг кам йўқотишлар билан хавфларни самарали бошқаришни амалга ошириш ва таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rashidov Jamshid Khamidovich. Improving the methodology for managing innovation activity risks in textile enterprises. American Journal of Management Practice Vol.1, No.6 (Oct , 2024). E-ISSN: 2997-934X. Page 23-26.

2. Федотова Г. В. Управление рисками в инновационной деятельности предприятий. Финансы и кредит. Финансы предприятия. №41. 2010. С.27-33.

3. Поповиченко М.А, Бережная О.В. Управление рисками в инновационном проектировании. Вестник Северо-Кавказского федерального университета. 2022. № 5 (92). С.138-143.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

